

## **ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ФИКРЛАШ ЖАРАЁНИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ**

**Утамурадова Гулчехра** -Жиззах давлат педагогика университети Умумий психология кафедраси ўқитувчиши

**Юсупова Сабина-** Жиззах давлат педагогика университети, Тарих йўналиши (сиртқи) 1-босқич талабаси

**Аннотация:** Мазкур мақолада бугунги глобаллашув жараёнига хос талабаларнинг ижодий фикрлаш жараёнини ривожлантиришнинг психологик асослари ёритилган.

**Калит сўзлар:** Ижодий фикрлаш, тарбия жараёни, қобилият, креативлик, индивид, вербал ва новербал.

Бугунги кунга келиб ҳар қайси замонавий давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши биринчи навбатда илмий-техникавий тараққиётга, бу соҳадаги илғор ўзгаришлар эса аввало, мутахассис кадрлар ижодий қобилияtlари даражасига боғлиқ эканлиги туфаккур креативлигини ривожлантиришнинг амалий имкониятларини аниқлаш, бу мақсадга хизмат қилувчи самарадор педагогик-психологик технологияларни ишлаб чиқиши масаласига педагогика фанидаги долзарб муаммолардан бири сифатида қаралмоқда. XX асрнинг 50-йилларида инглиз-америка психологларининг изланишларида креативлик деб номланадиган (*creatio* - лотинча «яратиш») алоҳида қобилияtlарни ўрганиш катта кўламда қизиқиши уйғотмоқда.

Ижодий компонент ўқитувчининг инновацион фаолиятга бўлган муносабатини амалиётда мавжуд бўлган тайёр шаклларнинг комбинацияси сифатида эмас, балки трансформация, ўзгариш (ўз индивидуаллиги ва талабалар гуруҳининг хусусиятларига мувофиқ янги мураккаб синтезларда ривожланиш) сифатида ўз ичига олади. шунингдек, илмий акс эттиришнинг мавжудлиги. Шунингдек, у касбий фаолиятни амалга оширишнинг янги усуллари ва воситаларини излаш хусусиятлари ва шартлари, янги нарсаларни идрок этишга тайёрлик ва янги нарсаларни яратиш зарурати тўғрисида билим ва ғоялар мавжудлигини назарда тутади.

Креативликни алоҳида ўрганишга анъанавий интеллект тестлари билан муаммоли вазиятни муваффақиятли ечими орасида алоқанинг мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотларнинг аниқланиши туртки бўлди. Эътироф этилишича, креативлик маълум масаланинг ечимини топишдаги ахборотларни тез суръатда фойдаланиш қобилиятига боғлиқ. Бу қобилияtnи креативлик деб атадилар ва уни интеллектга боғлиқ бўлмаган ҳолатда - индивиднинг янги тушунчалар яратувчи ва шакллантирувчи янги малакалари сифатида ўргандилар.

Юксак ижодий қобилиятлар қандайдир ягона ва хатто, бир неча омилнинг эмас, балки педагогик-психологик шарт-шароитларнинг каттагина комплекси маҳсулидир. Бироқ ушбу инкор этиш қийин бўлган мулоҳазани эътироф қилиш, биринчидан, креативликни ривожлантирувчи бир қатор омилларни сунъий ҳосил қилишнинг иложи йўқ, дегани эмас, иккинчидан, психик тараққиётнинг компенсация қонунига кўра, муайян омилнинг этишмаётган таъсири бошқа омиллар билан муайян даражада қопланиши мумкинлиги эҳтимолдан холи эмас.

Тўгарак иши ҳар қандай йўналишда амалга оширилаётган бўлишидан қатъий назар маҳсус уюштирилган педагогик-психологик жараёндан ташкил топишини эътиборга олсак, ушбу далил хам ижодий тафаккур мақсадли фаол ташқи таъсир ҳисобига ривожлантирилиши мумкинлигига ишонтиради. Кўшимча таълим муассасаларида шуғуланаётган мактабгача ёшдаги болалар ўзларининг боғчадаги тенгдошларидан креативлик кўрсаткичлари (айниқса ўз фаолияти маҳсулларини такомиллаштириш, уларнинг деталларини синчковлик билан тайёрлаш қобилияти) бўйича юқори натижага эга экани хам ушбу ишончни қўллаб кувватлайди.

Эътиборлиси шундаки, вербал ва новербал креативлик соҳасидаги тўгараклар ишида қатнашадиган ва қатнашмайдиган тенгдошлараро тафовут ўрта ва юқори синфларда ҳам сақланиб қолади. Хақиқатдан ҳам маҳсус тадқиқотлар ўқитувчилар ва ота-оналар томонидан боланинг ўқув фанларидан ташқарига чикувчи қизиқишлирини қўллаб кувватлаши улардаги креативлик салоҳияти юзага чиқишига ёрдам беришини кўрсатмоқда. Албатта, одамнинг ирсий ва психофизиологик захираларига боғлиқ равишда маҳсус ривожлантирувчи машғулотлар самараси индивидуал тафовутларга эга бўлиши табиий. Аммо машқ ва машғулотлар ҳар хил одамларга турли даражадаги ўзгаришларга олиб келиши ҳақидаги мулоҳазани улар кимнингдир кўрсаткичларига умуман таъсир кўрсатмайди, деган ҳукмга тенглаштириш, бунга асос қилиб олиш мантиқсизdir. Умуман, креативликни мақсадга йўналтирилган маҳсус ташкил этилган шарт-шароитлар орқали ривожлантириш имконияти юзасидан фанда шаклланган қарашларнинг қисқача тахлили асосида шундай умумий хulosага келиш мумкин: ижодий фикрлаш қобилияти мураккаб ва кўп омиллар таъсирини акс эттирувчи генезистга эгалиги ва шу сабабли уни оддий иш- харакат кўникмаси каби ҳосил қилиб бўлмаслигини таъкидловчи мутахассисларнинг шубҳалари асосли эканини тан олиш баробарида дастурий режалар асосида уюштирилган, муайян назарий тасаввурларга асосланган педагогик-психологик чора тадбирлар креативликнинг бошланғич даражасини маълум индивидуал чегараларгача ошириши мумкинлигига ишониш кераклигини касб ва фуқаролиги талаб қилишини таъкидлаш зарур.

Замонавий фан имкониятлари ижодкорлик табиатининг мавжуд далиллар ва саволларни тўлиқ қониктирадиган универсал тушунтириш имкониятига эга эмас.

1. Креативлик – буинсоннинг бутун ҳаётидавомидагисифатларимажмуидир.

2. Креативлик – бу инсоннинг ўзига топширилган муайян топшириқ ва вазифаларни бажариш усулидир.

3. Креативлик – бу интеллект (ақл) нинг маҳсулидир.

4. Креативлик – буинсонга худо томонидан берилган қобилият, кашфиётлардир.

5. Креативлик – буижодий фаолиятдир.

6. Креативлик – бу ижодкор инсонларнинг маънавий-ахлоқий ва ижтимоий адаптацияланишидир.

7. Креативлик – бу маданият билан узвий боғлиқ бўлган категориядир.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда креативлик – шахсни ривожлантирувчи категория сифатида инсон маънавиятининг ажралмас қисми бўлиб, шахсни ўз-ўзини ривожлантириш омили, шахсийжонбозликнингасоси, шахс эга бўлган билимларнинг кўп қиррали эканлигига эмас, балки янги ғояларга интилишда ва ўрнатилган стереотипларни янгилик яратиш жараёнини ислоҳ қилиш ва ўзгартиришда, ҳаётий муаммоларни ечиш жараёнида кутилмаган ва ноодатий қарорлар чиқаришда намоён бўлади, деган холосага келдик. Ўқитувчининг креативлик фаолияти даставвал педагогик маҳорат билан боғлиқ.

Маълумки, касбий тажриба билим, кўникма ва малакаларнинг интеграцияси сифатида акс этади. Бироқ, касбий-ижойӣ фаолият кўникмаларининг ўзлаштирилиши нафакат амалий кўникма ва малакаларнинг интеграцияси, мутахассис сифатида фаолиятни самарали ташкил этиш усул ва воситаларини ишлаб чиқиши эмас, шу билан бирга касбий ижодкорлик методологиясиданхабардор бўлиш, ижодий тафаккурни ривожлантириш ва креатив характерга эга шахсий сифатларининг етарли.

Ижодкорлик ахборотни ёдда сақлаш ва фактларни йиғишига асосланганлиги туфайли анъанавий таълим системаси ҳар доим ҳам шахснинг, хусусан талабанинг креативлик қобилиятини ривожлантиришга қодир эмас. Кундалик ҳаёт тарзи кўпинча шахснинг креатив хусусиятларининг пасайишига сабаб бўлади. Шу туфайли, креатив қобилиятларнинг ривожланишида фақат маҳсус ташкил қилинган мухит бўлиши лозим. Келажакда ижодий қобилиятлардан фойдаланиш учун таълим жараёнига маҳсус топшириқларни киритиш зарур. Ҳар бир талабадаги креативликнинг ривожланиши индивидуал ҳисобланади. Ижодкорлик ривожланишининг системалик омили таълимнинг ижтимоийлашуви бўлиб ҳисобланади. Креативликнинг дастлабки кўринишлари ҳар бир инсонга хос. Талабада креативликнинг ривожланиши

учун психологиянинг босимлардан озод қилиб, ижобий турткы бериш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, креатив фикрлашни ривожлантириш технологияси таълим жараёни самарадорлигини орттиради ҳамда талабаларнинг илмий ижодий фаолиятига кенг имкониятлар яратади.

Замонавий таълимнинг олидаги муҳим вазифа ўқитиш сифати ва самарадорлигини ошириш, талабаларнинг ўқув фаоллигини таъминлашдан иборат. Шу сабабли бугунги кунда ўқитиш жараёнида таълим технологияларининг турли кўринишлари ҳамда интерфаол таълим методлари, кейс-стади ва яна бошқа турдаги таълим методлари кенг кўлланилмоқда. Улар талабаларда предметни ўзлаштиришга бўлган қизиқиши, амалий кўникмаларни, вазиятни таҳлил қилиш ва тўғри қарор қабул қилишга нисбатан ижодий ёндашиш малакаларини ривожлантиради, турли муаммоли вазиятлар ва уларни ҳал қилиш асосида улар томонидан билимларнинг фаол ўзлаштирилиши учун имконият яратади.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Кречетников, К. Г. Проектирование креативной образовательной среды на основе информационных технологий в вузе. Монография / К. Г. Кречетников. – М. : Госкоорцентр, 2002. – 296 с.
2. Муслимов Н.А., ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси/ Монография. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2013.
3. Илин Е. П. Психология творчества, креативности, одаренности. - СПб. :Питер., 2009. — 434 с.
- 4.Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. Т., “Камалак”, 1991., 119-бетлар
- 5.G.Utamuradova .Social- psychological aspects of personal competence in educational management. international interdisciplinary research journal.galaxy-2023
- 6.G.N.Utamuradova. //./22V The Use of Interactive Methods in the Formation of the Characteristics of Professional Competence of Students .ol. BEST JOURNAL OF INNOVATION IN SCIENCE, RESEARCH AND DEVELOPMENT 1/
- 7.G.N.Utamuradova. Systematic analysis capabilities. World Bulletin of Management and Law (WBML) Available Online at: <https://www.scholarexpress.net> Volume-21 April -2023
- 8.G.N.Utamuradova. Psychological features of the formation of spiritual and moral qualities of the character of children in the family. Science and innovation international scientific journal volume 2 issue 4 april 2023 uif-2022: 8.2 | issn: 2181-3337 | scientists.uz
- 9.Пулатова, Н. М., & Утамуродова, Г. Н. (2021). САМОСОЗНАНИЕ КАК

- ПСИХИЧЕСКИЙ ФЕНОМЕН И ЕГО РОЛЬ В РАЗВИТИИ ЛИЧНОСТИ. *Интернаука*, 6(182 часть 1), 57.
- 10.Атамуродова, Р. К., & Ўтамуродова, Г. (2023). ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МИЛЛИЙ ФУРУРНИ ШАКЛАНТИРИШ.(АБДУЛЛА ОРИПОВНИНГ «СОҲИБҚИРОН» ДОСТОНИ МИСОЛИДА). *Oriental Art and Culture*, 4(2), 683-688.
- 11.Usmonova, M. (2023). OILAVIY NIZOLARDA FARZAND VA OTA-ONA MUNOSABATLARI. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, (I).
- 12.Usmonova, M. (2023). OILAVIY NIZOLARDA FARZAND VA OTA-ONA MUNOSABATLARI. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, (I).
- 13.Usmonova, M. (2023). O'SMIRLARNING IJTIMOIY-PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI HAQIDA. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 3(3).
- 14.Usmonova, M. (2023). MAKTABDAN TASHQARI TA'LIM JARAYONIDA O'QUVCHILARNI KASB-HUNARGA YO'NALTIRISH TALABLARI. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 3(3), 152-155.
- 15.Shakarboyeva, S. (2022). БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА йўз УСТИДА ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 2(2).
- 16.Shakarboyeva, S. (2021). БЎЛҒУСИ ПЕДАГОГЛАРДА йўз УСТИДА ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, (1).
- 17.Шакарбоева, Ш. А. (2021). САМОРАЗВИТИЕ В ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КАК ПРЕДМЕТ СОЦИАЛЬНОЙ ПСИХОЛОГИИ. In *Стратегия научно-технологического развития-2021* (pp. 39-40).
- 18.Шакарбоева, Ш. А. ПЕДАГОГИКА & ПСИХОЛОГИЯ. ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА. *ПЕДАГОГИКА*, (1), 61-64.
- 19.Shakarboyeva, & O'ktamova , O. (2024). TARBIYASI OG'IR O'SMIRLARNI IJTIMOIYLASHTIRISHDA OILA, MAHALLA, TA'LIM MUASSASASI HAMKORLIKINIGI RIVOJLANTIRISH USULLARI. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 4(1), 139-147. извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/9555>
- 20.Shakarboyeva, & Qayumov, A. (2024). AUTIZMLI BOLALARНИ RIVOJLANTIRISHDA ART TERAPIYA USULLARIDAN FOYDALANISH

- IMKONYATLARI. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 4(1), 148-154. извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/9556>
- 21.Shakarboyeva, & Жасурова, Н. (2024). ЎСМИРЛАРДА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАТИШНИНГ ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ. Журнал *Педагогики и психологии в современном образовании*, (I). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8831>
- 22.Shakarboyeva. (2024). O'SMIRLIK DAVRIDAGI SUITSIDNING KELIB CHIQISH SABABLARI. Журнал *Педагогики и психологии в современном образовании*, (I). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8726>
- 23.Shakarboyeva, & Худойқулова , Г. (2024). БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДА ЧЕТ ТИЛИ ЎЗЛАШТИРИШ ВА ЎРГАНИШНИНГ ЁШГА ОИД ХУСУСИЯТЛАРИ. Журнал *Педагогики и психологии в современном образовании*, (I). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8832>
- 24.Munira Usmonova, OILAVIY NIZOLARDA FARZAND VA OTA - ONA MUNOSABATLARI , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № I (2023): «СОВРЕМЕННАЯ СОЦИАЛЬНАЯ ПСИХОЛОГИЯ: ТРАДИЦИИ И ПЕРСПЕКТИВЫ» I - МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ
- 25.Собировна, ФН (2024). Психологические особенности учащихся начальных классов. *Wire Insights: Журнал Innovation Insights* , 2 (2), 16–18.
- 26.Файзиева, Н. С. (2023, January). СОСТОЯНИЕ ИЗУЧЕНИЯ ПРОБЛЕМЫ ОБЩЕНИЯ В ПСИХОЛОГИИ. In *International Conference of Education, Research and Innovation* (Vol. 1, No. 1, pp. 121-126).
- 27.Fayziyeva, N. (2022). KICHIK YOSHDAGI MAKTAB BOLALARNING KOMMUNIKATIV QOBILIYATLARINI SHAKLLANTIRISH. Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры, 2(12), 211-215.
- 28.Sobirovna, F. N. (2024). Psychological Characteristics Of Primary School Students. *Wire Insights: Journal of Innovation Insights*, 2(2), 16-18.
- 29.Mamaraimova, R. (2024). КАК НЕ ПОДДАВАТЬСЯ ПРОВОКАЦИЯМ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 4(2), 23-29. извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/9644>
- 30.Р.У.Мамараимова. (2022). ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНШНИНГ

- МАЗМУН МОХИЯТИ. EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH, 2(12), 513–517. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7337651>
- 31.Mamaraimova, R. (2022). УМУМ ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(6). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5549>
- 32.Mamaraimova, R. (2021). КИЧИК МАКТАБ ЁШИ ЎҚУВЧИЛАР КОМПЕТЕНТЛИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БАЪЗИ ЖИҲАТЛАРИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, (2). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/2967>
- 33.Odiljonova, X. (2024). O ‘QUVCHILARDA VALEOLOGIK TAFAKKURNI O‘STIRISHNING NAZARIY ASOSLARI. Журнал *Педагогики и психологии в современном образовании*, 4(1), 3-11.
- 34.Qarshiboyeva, G., & Odiljonova, X. (2022). ЎҚУВЧИЛАРДА ВАЛЕОЛОГИК БИЛИМНИ ОШИРИБ БОРИШ АСОСЛАРИ. Журнал *Педагогики и психологии в современном образовании*, 2(5).
- 35.Odiljonova, X. (2024). “MEN” KONSEPSIYASIGA YONDASHUVLARNING O‘ZIGA XOSLIGI. Журнал *Педагогики и психологии в современном образовании*, 4(1), 62-70.
- 36.Odiljonova, K. (2023). PSYCHOLOGICAL FEATURES OF THE DEVELOPMENT OF HEALTHY THINKING IN STUDENTS. *Science and innovation*, 2(B4), 267-272.
37. Sangirova, N. (2024). SHAXS IJTIMOIYLASHUVIDA OILANING ROLI. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 4(2), 69-73. извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/9725>
- 38.Sangirova, N. (2024). ШАХСДА ГЕНДЕР УСТАНОВКАЛАРИНИНГ ЎЗИНИ-ЎЗИ ИДРОК ЕТИШ БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ МУАММОЛАРИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 4(2), 74-81. извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/9749>
- 39.O’tamuradova, G. (2024). БЕРУНИЙНИНГСОГЛОМ АВЛОД ТАРБИЯСИ ҲАҚИДАГИ ПСИХОЛОГИК ҚАРАШЛАРИ . Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 4(2), 95-103. извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/9764>